



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
BOSH DAVLAT VETERINARIYA INSPEKTORI

100123, Toshkent sh. Kichik halqa yo'li ko'chasi 21 a., Tel/Fax: +998 71 276 33 24, e-mail: info@vetgov.uz

№ 01

«22» 01 2020 у.

Хитой Халқ Республикасидан давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни импорт қилишни вақтинча чеклаш тўғрисида

Оммавий ахборот воситалари маълумотларига кўра Хитой Халқ Республикасида янги коронавирус касаллиги қайд этилган бўлиб, бугунги кунда дунёнинг бошқа давлатларида ҳам рўйхатга олиниши кузатилмоқда. Таҳлилларга кўра вирус ёввойи ҳайвонлардан тарқалганлиги гумон қилинмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Ветеринария тўғрисида”ги Қонуни 2- ва 24-моддаларига асосан ҳамда мамлакатимиз ҳудудига четдан ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келишидан муҳофаза қилиш мақсадида

Қ а р о р к и л а м а н :

1. Хитой Халқ Республикасидан барча турдаги давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни (ветеринария дори воситалари ва диагностикаумлар бундан мустасно) импорт қилишга нисбатан 2020 йил 23 январдан вақтинча чеклов ўрнатилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат ветеринария инспекторлари, Давлат чегараси ва транспортда бош давлат ветеринария инспекторига:

- юридик ва жисмоний шахсларга давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни (ветеринария препаратлари ва диагностикаумлар бундан мустасно) Хитой Халқ Республикасидан импорт қилишга нисбатан ветеринария рухсатномасини расмийлаштириш тўхтатилганлиги тўғрисида кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб борсин;

- келиб чиқиши Хитой Халқ Республикасига тегишли бўлган давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарлар устидан назорат олиб боришда ходимларнинг шахсий гигиена ва химоя кийимларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши таъминлансин;

- барча ветеринария муассасаларида, жумладан чегара ветеринария назорат пунктларида зарурий дезинфекцияловчи воситалар захираси яратилсин;

- аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориш ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан мазкур янги коронавирус касаллиги профилактикаси бўйича ҳамкорликда ишлар олиб борилиши таъминлансин.

3. Мазкур қарор давлат ветеринария хизмати тизимидаги барча орган ва муассасалар, тегишли вазирлик ва идоралар, муассасалар, корхона ҳамда ташкилотлар, шунингдек мулкчилик шаклидан қатъий назар барча турдаги юридик ва жисмоний шахсларга етказилсин ҳамда оммавий ахборот воситаларида ёритилиши таъминлансин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Раис ўринбосари А.Ақбаров зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Бош давлат ветеринария инспектори



Б.Норқобилов